MY INSURANCE
страховая компания

info@myinsurance.uz
г.Тошкент, Хамид Алимджан, 11А
+998 95 341-20-20
+998 95 342 20 20

**«MY Insurance» СК АЖ Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича**

**ШАРТНОМА № 57/59/1/0015**

Ушбу шартнома ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июнда 141-сонли карорига мувофик тасдикланган қоидаларига асосан ишлаб чиқилган.

2024 йил «14» март Самарканд ш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 февралда берилган СФ 00055-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи **«MY INSURANCE» СК Акциядорлик Жамияти**, кейинги ўринларда «**Суғурталовчи**» номидан **2024-йил 03- январда берилган 23-сонли Бош ишончнома** асосида ҳаракат қилувчи «Самарқанд шахар суғурта хизматлар маркази» Директори Дониев М.Ж. тимсолида бир тарафдан, СамДВМЧБа Б.У ректор Х.Б.Юнусов кейинги ўринларда, «**Суғурта қилдирувчи**» низом асосида ҳаракат қилувчи тимсолида иккинчи тарафдан, қуйидаги шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун хужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.
1.2. Ушбу шартномага киритилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли карорига илова килинган қоидаларга амал қилинади.

## 2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

## 3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:
3.1.1. Мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;
3.1.2. Маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўкув ҳайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;
3.1.4. Атроф муҳитнинг ифлосланиши;
3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;
3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;
3.1.7. Ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;
3.1.8. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;
3.1.9. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, кимматбаҳо ва ярим кимматбаҳо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли когозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
3.1.10. Жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган касддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар.
3.2. 3.1. бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

## 4. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича суғурта товони ҳар бир транспорт воситаси учун **40 000 000,00** сўмдан белгиланади. Улардан:
а) жабрланувчи мол-мулкига етказилган зарар учун - суғурта суммасидан 35 фоизгача;
б) жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун - суғурта суммасидан 65 фоизгача;
4.2. Суғурталанаётган транспорт воситасининг сони **8** (саккиз ) дона.

| № | Транспорт воситаси тури | Давлат рақам белгиси | Транспорт воситаси русуми | Суғурта мукофоти,сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Енгил | 30 537 ABA | LACETTI | 120 000,00 |
| 2 | Енгил | 30 192 FBA | LACETTI | 120 000,00 |
| 3 | Енгил | 30 415 SAA | MALIBU 2 | 120 000,00 |
| 4 | Avtobus | 30 124 QAA | SAZ/NP 26 | 144 000,00 |
| 5 | Avtobus | 30 157 GBA | SAZ/NP 26 | 144 000,00 |
| 6 | Avtobus | 30 158 GBA | SAZ/NP 26 | 144 000,00 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7 | Avtobus | 30 159 GBA | SAZ/NP 26 | 144 000,00 |
| 8 | | | | |
| 9 | | | | |
| 10 | | | | |
| 11 | ЖАМИ | | | 936 000 |

4.3. Сугурта шартномаси бўйича умумий сугурта суммаси **280 000 000,00 (Икки юз саксон миллион) сўм.**

4.4. Сугурта мукофоти бўйича хисоб-китоблар хар бир транспорт воситаси учун ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли карори билан тасдикланган транспорт воситалари эгаларининг фукаролик мажбуриятлари сугуртаси коидалари асосида амалга оширилади.

4.5. Ушбу шартномага такдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий суғурта мукофот **936 000,00 (Туккиз юз уттиз олти минг) сум 00 тийин**

4.6. Сугурта мукофотлари бир вактнинг ўзида накд пулсиз шаклда тўланади. Сугурталовчининг мажбурияти мазкур шартнома бўйича пул маблаглари сугурталовчининг (вакили) банкдаги хисоб ракамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

4.7. Агар мажбурий сугурта шартномаси амалда бўлган даврда сугурталовчи жабрланувчига сугурта товони тўласа, у холда сугурта килдирувчи сугурталовчидан сугурта товони тўланганлиги тўгрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки хафта муддатда тўланган сугурта товони суммасига ва мажбурий сугурта шартномаси амал килишининг колган муддатига мутаносиб равишда кўшимча сугурта мукофотини тўлайди.

## 5. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

5.1 Ушбу мажбурий сугурта шартномаси сугурта мукофоти тўлангандан сўнг кучга киради, шартнома муддати суғурта полисида кўрсатилади.

5.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси сугурта мукофоти тўлангандан сўнг такдим этилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Сугурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.5. бандига асосан тўлаб бериши.

6.1.2. Ходимларни (хайдовчиларни) ЙТХ содир бўлганда ДЙХХБ ходимларини кутиши ва жабрланувчи (унинг меросхўри ёки хукукий вориси)га мажбурий сугурта полиси нусхасини такдим этишлик тўгрисида огохлантириши.

6.1.3. Сугурта ходисаси содир бўлганда:

- ЙТХ содир бўлганда кечиктирмасдан узоги билан 72 соат ичида ёзма равишда сугурта полиси нусхаси билан суғурталовчини сугурта ходисаси тўгрисида ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли карори 6-иловасига мувофик хабардор этиш.

6.2. Сугурта килдирувчининг хукуклари:

6.2.1. Сугурта килдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан копласа, сугурта килдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини коплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдикловчи хужжатларни такдим этгандан сўнг сугурта товонини олиши мумкин.

6.3. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хукукий ворисига) ёки сугурта килдирувчига (агар сугурта товони ўз хисобидан амалга оширилган бўлса) шартномада кўрсатилган холларда сугурта товонини тўлаш тўгрисидаги карори кабул килинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш;

6.3.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси йукотиб кўйилган такдирда унинг дубликатларини такдим этиш. Дубликатлар сугурталовчи томонидан сугурта килдирувчи мурожаат килган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

6.4. Сугурталовчининг хукуклари:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг колдикларини кўздан кечириш ва мустакил экспертиза килишга (бахолашга) кадар ушбу шартнома талабларига мувофик амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг колдикларини утилизация килиш сугурта ходисасининг мавжудлигини ва мажбурий сугурта шартномаси бўйича ўрни копланиши лозим бўлган зарарларнинг микдорини тўгри аниклаш имконини бермаса, сугурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хукукий ворисига) сугурта тўловини ёки унинг бир кисмини тўлашни рад этишга хакли.

## 7. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Сугурта товони етказилган зарар микдорида, лекин сугурта пулидан ошмаган микдорда сугурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки хукукий ворисига) тўлаб берилади.

7.2. Агар сугурта ходисаси содир бўлганда сугурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки хукукий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг сугурталовчига билдирилган талаблари суммаси сугурта товони микдоридан ортик бўлса, сугурта товони хар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки хукукий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

7.3. Агар сугурта килдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошка шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан копласа, сугурта килдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошка шахс) етказилган зарарнинг ўрнини коплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдикловчи хужжатларни такдим этганидан кейин сугурталовчи сугурта килдирувчига сугурта тўловини тўлайди.

Ушбу холат бўйича куйидаги хужжатларни такдим этиши керак:

- сугурта полиси;
- *зарар етказилганлиги фактини ва зарар микдорини* тасдикловчи хужжатлар (йўл-транспорт ходисаси тўгрисидаги хулоса ёки карор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд хаётга ёки согликка зарар етказилганлигини тасдикловчи бошка хужжатлар, ўлим хакидаги далолатнома ёхуд гувохнома);

- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдикловчи хужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов хужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);
- жабрланувчининг шахсини тасдикловчи хужжат;
- мерос ҳуқукини ёки ҳуқукий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқукий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдикловчи хужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқукий ворисларига тўланиши керак бўлса).
- банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;

7.4. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни копламайди.

7.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## 8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқукига эга, агар:

а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқукига эга бўлмаган бўлса;

г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган хайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда).

8.2. Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бўйича жавобгар бўладилар.

9.2. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, музокаралар ҳал бўлмаган тақдирда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| | |
|---|---|
| **Суғурталовчи:**<br>**«MYINSURANCE» СК АЖ «Самарканд шахар СХМ»**<br>Самарканд вилояти, Самарканд шахар<br>Тел/факс **(94) 201 11 88**<br>р/с: 2020 8000 3047 8606 6111<br>ТИФ Миллий банк Саёхат филиали,<br>МФО 00450,<br>ИНН 207 002 342, ОКОНХ 96220<br>**Суғурталовчи номидан:**<br>**Доиниев М.Ж.**<br>_______________<br>м.у. (имзо) | **Суғурта қилдирувчи:**<br>**Суғурта қилдирувчи номидан:**<br>SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI<br>Samarqand sh. M.Ulug'bek ko'chasi 77-uy<br>Tel./ Fax + (99866) 234-78-92, 234-76-86<br>SH/x. 400910860184017094100250001<br>INN: 201878451, OKONX: 92110 Moliya vazirligi<br>Samarqand viloyati g'aznachilik boshqarmasi Yagona g'azna<br>H/v: 2340 2000 3001 0000 1010<br>Markaziy bank XKKM Toshkent shahri boshqarmasi<br>_______________<br>(Ф.И.Ш.) (имзо) |

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI SUG'URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI

Sug'urtalovchilarni va sug'urta brokerlarining sug'urta faoliyatini amalga oshirish uchun

# LITSENZIYA

Seriya SF 00037-son

2019-yil 12 iyuldagi 7-SF-sonli

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Sug'urta bozorini rivojlantirish agentligining 2022 yil "24" fevral dagi14-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya

"MY-INSURANCE" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkilotiga

(litsenziya egasining to'liq nomi)

umumiy sug'urta sohasida quyidagi klasslar:

1-klass – Baxtsiz hodisalardan ehtiyot shart sug'urta qilish;
2-klass – Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;
3-klass – Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;
4-klass – Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;
5-klass – Aviatsiya sug'urtasi;
6-klass – Dengiz sug'urtasi;
7-klass – Yo'ldagi mol-mulkni sug'urta qilish;
8-klass – Mol-mulkni olovdan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;
9-klass – Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;
10-klass – Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
11-klass – Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;
12-klass – Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;
13-klass – Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
14-klass – Kreditlarni sug'urta qilish;
15-klass – Kafillikni (kafolatlarni) sug'urta qilish;
16-klass – Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;
17-klass – Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish.

bo'yicha ixtiyoriy va majburiy sug'urtani amalga oshirishga ruxsat beriladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta manzili): O'zbekiston Respublikasi, 100070, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Kichik Mirobod ko'chasi, 95-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsiya raqami: 207002342

Litsenziya berilgan sana: 2022 yil "25" fevral

Reyestr bo'yicha tartib raqami: 00037

Mas'ul shaxs: K.Talipov

(F.I.Sh.)

M.O.

№ 00037

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MY-INSURANCE" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MY-INSURANCE" AJ ST

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.06.2009 70 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 207002342

Tashkiliy-huquqiy shakli: Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Mirobod tumani, Тошкент шаҳри Миробод Кичик Миробод кўчаси Миробод МФЙ Уй 95,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

# Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida ma'lumotnoma

28.01.2022 г

| | O'zgarishdan oldin | O'zgarishdan keyin |
|---|---|---|
| 1 | Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi<br>**207002342, MY-INSURANCE** | Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi<br>*O'zgarishlarsiz* |
| 2 | THSh<br>**Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | THSh<br>**Aksiyadorlik jamiyati** |
| 3 | Faoliyat yuritish manzili<br>**Toshkent shahri, Yunusobod tumani, NIYOZBEK YO`LI KO`CHASI 1-UY,** | Faoliyat yuritish manzili<br>**Toshkent shahri, Mirobod tumani, Тошкент шахри Миробод Кичик Миробод кўчаси Миробод МФЙ Уй 95** |
| 4 | IFUT<br>**Hayotni sug'urtalashdan tashqari sug'urtalash** | IFUT<br>*O'zgarishlarsiz* |

## O'zgarishdan oldingi Tasischilar

| Ta'sischi turi | Ta'sischi STIRi | F.I.Sh. / Nomi | Miqdori | Ulushi |
|---|---|---|---|---|
| Jismoniy shaxs | 489152362 | TARAN TIMUR YEVGENEVICH (AA2429552, 31908800840018) | 2 777 900 000.00 | 10.00 % |
| Jismoniy shaxs | 470182360 | UBAYDULLAYEV AXMADJON INOYATOVICH (AA0224804, 31810540190044) | 11 370 477 000.00 | 40.93 % |
| Yuridik shaxs | 305836086 | NATIONAL INSURANCE | 13 630 623 000.00 | 49.07 % |

| Ta'sischi turi | Ta'sischi STIRi | F.I.Sh. / Nomi | Miqdori | Ulushi |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| | | | **Ustav fondi 27 779 000 000.00 UZS** | 100.00 % |

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

Imzo: 242371.MUXLISAXON G'IYOSOVA ILXOM QIZI

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2020 йилдаги ПҚ-4812-сон қарорининг 4-бандига кўра, Электрон коперация портали new.cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари Буюртмачилар томонидан ўрганилганлиги ҳақида**
**7159-сонли МАЪЛУМОТНОМА**

14.03.2024 й. Тошкент ш.

Буюртмачи “SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI” 14.03.2024 йил соат 10:16 да “ТИФ ТН коди – **9920000001**”, “маҳсулот номи **- Страхование**” маҳсулот параметрлари асосида қидирув амалга оширилди ва жами 2 та актив оферта мавжудлиги аниқланди.

***Изоҳ: Ушбу маълумотнома*** *14.03.2024* ***йил соат*** *10:16* ***вақт ҳолатига амал қилади. Бошқа порталлар орқали харидни амалга оширишдан олдин new.cooperation.uz порталида такроран маълумотномани янгилаб олишингиз талаб этилади.***

*Рўйхат илова қилинади.*

**Буюртмачи қидирган маҳсулот параметрлари**

| ТИФ ТН коди | Маҳсулот номи |
|---|---|
| **9920000001**<br>Хизматлар | **Страхование** |

Буюртмачи қолдирилган изоҳ: (Avtotransport vositalarini sug'urta qilish xizmati narxi balandligi).

**Рақамли трансформация марказининг
Электрон кооперация порталида
тақдим этилган
7159-сонли маълумотномасига
1-ИЛОВА**

| Т/р | Оферта рақами | Маҳсулот номи | ТИФ ТН коди | Тех. параметр | Функ. параметр | Бирлик нархи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | O1101238 | Услуги по страхованию имущества, находящегося в пути. (страхование грузов по классу 7) | 9920000001 - (Xizmatlar) | нет | Страховщик обязуется за обусловленную Договором плату (страховую премию) при наступлении предусмотренного в Договоре события (страхового случая) возместить Страхователю или указанному Страхователем лицу, имеющему основанный на законодательстве или договоре интерес в сохранении страхуемого имущества (Выгодоприобретателю), причиненные вследствие этого события убытки в застрахованном имуществе находящемся в пути (Груз) Страхователя (выплатить страховое возмещение) в | 10000000 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | пределах определенной Договором суммы (страховой суммы) в порядке и на условиях, предусмотренных Договором страхования. | |

| Т/р | Оферта рақами | Маҳсулот номи | ТИФ ТН коди | Тех. параметр | Функ. параметр | Бирлик нархи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | O1110166 | Страхование автотранспортных средств (каско) | 9920000001 - (Xizmatlar) | Страхование автотранспортного средства обеспечивает покрытие риска утраты или повреждения застрахованного автотранспортного средства, возникшего в результате рисков угона, похищения (кража, грабеж), пожара, взрыва, удара предметов, дорожно-транспортного происшествия (ДТП) и стихийных бедствий. Дополнительное покрытие: Эвакуация застрахованного ТС в пределах 30 километров от места ДТП до пункта назначения; Содействие в сборе | нет | 45302490 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | документов; Выплата страхового возмещения при незначительных повреждениях, нанесенных застрахованному ТС, в частности: лакокрасочным покрытиям кузова, внешним осветительным приборам, зеркалам, антеннам, молдингам, эмблемам и другим частям без предоставления Страхователем справки из соответствующих органов, если размер ущерба не превышает 5 (десяти) % от страховой суммы но не более 50 млн. сум, кроме случаев нанесения ущерба с участием третьих лиц.<br>Предназначен для ТС марки - Mercedes-Benz Vito, BYD Han, Toyota. | | |